



Ислом Нури

Аллоҳ таоло Ўзининг калимасини олий қилиш, динига ёрдам бериш ва душманларини мағлуб қилиш учун Ўзининг йўлида жиход қилишни машруъ қилди, жиходни бандалари учун синов ва имтиҳон қилди:

«...»

«Агар Аллоҳ хоҳласа улардан (жанг-жадалсиз ҳам) ғолиб бўлур (яъни уларни йўқ қилиб юборур) эди, лекин У зот сизларнинг айримларингизни айримларингиз билан имтиҳон қилиш учун (сизларни жангга буюрди). Аллоҳ йўлида ўлдирилган зотларнинг амалларини ҳаргиз зое кеткизмас. Уларни (жаннат йўлига) ҳидоят қилур ва ишларини ўнглар. Уларни (Аллоҳнинг) Ўзи уларга танитган жаннатга киритур» (Муҳаммад: 4-6).

Аллоҳ йўлидаги жиходнинг Исломдаги ўрни беқиёс даражада улкандир, у Исломнинг ўрқачи, у ибодатларнинг энг афзали, баъзи уламолар уни Ислом рукнларининг олтинчиси деб санаганлар. (Анас розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда келганидек:

-...»

«Мушрикларга қарши тилларингиз, жонларингиз, молларингиз ва қўлларингиз билан жиход қилингиз» (Абу Довуд (2504), Насойй (3096), Аҳмад (3/124, №12246) ривоятлари).



Ислом Нури

Аллоҳ йўлидаги жиход Қуръон, суннат ва ижмоъ билан машруъ бўлди.

Аллоҳ таоло: «**Жанг қилишингиз фарз қилинди**», деди (Бақара: 216), Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари жиход қилдилар ва унга буюрдилар (Термизий (2616), Ибн Можа (3973), Аҳмад (5/231, №22016) бу ҳақда Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ҳадис ривоят қилганлар).

«...»

«Ким ғазот қилмасдан ва бу ишни дилига тугмасдан ўлса, мунофиқликнинг бир бўлагиди ўлади», дедилар (Муслим (1910) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

«Жиход» сўзи «...» «Жоҳада» феълнинг масдари бўлиб, душман билан олишувда жидду-жаҳд кўрсатмоқ маъносини англатади. Шариат истилоҳида эса кофирларга қарши жанг қилиш маъносида ишлатилади. Жиход урушдан кўра умумийроқ тушунчада истеъмол қилинади.

Аллома Ибнул Қаййим раҳимаҳуллоҳ айтади: «Батаҳқиқ, жиходнинг жинси фарзи айн бўлиб, ё қалб билан, ё тил билан, ё мол билан, ё қўл билан (амалга ошади). Ҳар бир мусулмон ушбу турлардан бирон тури билан жиход қилиши лозим бўлади» (Зодул-маъод: 3/64).

Жиход яна нафсга қарши, шайтонга қарши, фосиқларга қарши кураш маъноларида ҳам тушунилади.

Нафсга қарши жиход дин ишларини ўрганиш, сўнг уларга амал



Ислом Нури

қилиш, сўнг таълим бериш билан амалга ошади.

Шайтонга қарши жиход шайтон олиб келадиган шубҳаларни ва у зийнатли қилиб кўрсатадиган шаҳватларни даф қилиш билан бўлади.

Кофирларга қарши жиход эса қўл, мол, тил ва қалб билан бўлади.

Фосиқларга қарши жиход эса, инкор қилинадиган мункарнинг даражаларига қараб, имконият даражасида қўл билан, сўнг тил билан, сўнг қалб билан бўлади.

Жиход фарзи кифоя бўлиб, кифоя қилгудек кишилар уни амалга оширсалар, бошқалар зиммасидан фарзлиги соқит бўлади ва қолганлар ҳақида суннат бўлади.

Ихтиёрий равишда жиходга чиқиш амалларнинг энг афзалидир, унинг фазилати жуда улуғ, Китобу Суннатда унга буюрувчи ва тарғиб қилувчи насслар (далил-хужжатлар) жуда кўп. Жумладан:

□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□
□□□□□□ □□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□
□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□
□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□
□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□□□□□
□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□

«Албатта, Аллоҳ мўминларнинг жонларини ва молларини улардан жаннат баробарига сотиб олди — улар Аллоҳ йўлида жанг қилишиб (кофирларни) ўлдирадилар ва (ўзлари ҳам Аллоҳ учун шаҳид бўлиб) ўлдириладилар, (Бундай мўминларга жаннат берилишига) Аллоҳ Таврот, Инжил ва Қуръонда Ўзининг ҳақ



Ислом Нури

ваъдасини бергандир. Аллоҳдан ҳам аҳдига вафодорроқ ким бор? Бас, (эй мўминлар), қилган бу савдоларингиздан шод бўлингиз. Мана шу ҳақиқий буюк бахтдир» (Тавба: 111).

Айрим ҳолатлар бўладики, уларда жиход фарзи айнга айланади. Улар қуйидагилар:

1) Жанг майдонига кирган киши жанг қилиши фарз бўлади, ортига қараб кетиши жоиз бўлмайди.

2) Диёрини душман қамалга олганда.

Чунки, бу икки ҳолатдаги жиход мудофаа жиходидир, талаб (қувиш) жиходи эмас. Бундай ҳолда ушбу жиходдан юз ўгирса, кофирлар мусулмонларнинг ҳурматларини поймол қиладилар.

3) Мусулмонлар жанг ва мудофаада унга муҳтож бўлсалар.

4) Имом (мусулмонлар ҳокими) чорласа. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«...» -...» ...».

«Агар (жангга) чиқишга чорлансангиз, чиқинглар!», деганлар (Бухорий (1834) ва Муслим (1353) Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар).

Аллоҳ таоло айтади:

«...»



Ислом Нури

«Эй мўминлар, (кофир) жамоатга рўбарў бўлганингизда саботли бўлингиз» (Анфол: 45).

Аллоҳ таоло айтади:

□ □□□□□□□ □□□□□□ □□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□
□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□□□□□ □

«Эй мўминлар, сизларга нима бўлдики, Аллоҳ йўлида (жиходга) чиқинглар, дейилса, ўз ерингизга (яъни, юртингизга) ёпишиб олдингиз?!» (Тавба: 38).

Шайхулислом Ибн Таймия раҳимахуллоҳ айтади: «Жиходнинг қўл билан амалга ошадигани бор, қалб, даъват, ҳужжат, тил, фикр, тадбир ва саноат билан амалга ошадигани бор. Имкони борича жиход қилиши фарз бўлади. Узр сабабли чиқолмаганлар жангчиларнинг аҳли оилалари ва мол-мулкларига қараб туришлари лозим бўлади. (Ал-фатавал-кубро: 5/537).

Имом жиходга чиқишдан олдин лашкарни текшириб чиқиши ва жангга ярамайдиган кишиларни ва от-улов ва ҳоказоларни қолдириши, одамларнинг ғайрат-шижоатини сўндирадиган, уларни урушдан воз кечишга ундайдиган кимсаларни, шунингдек, жангчилар орасида ваҳима тарқатадиган, фитна кўзийдиган, душманга хабар етказадиган кимсаларни жангдан четлатиши лозим бўлади.

У жангчилар устига лашкарни шаръий сиёсат билан бошқарадиган кишини қўмондон қилиб тайинлаши фарз бўлади.

Қўшин ҳам унга яхшилик билан итоат қилиши, садоқат кўрсатиши, сабр-матонат билан у билан бирга бўлиши вожиб. Аллоҳ таоло айтади:



Ислом Нури

«Эй мўминлар, Аллоҳга итоат қилингиз, ва пайғамбарга ҳамда ўзларингиздан бўлган (яъни мусулмон) ҳокимларга бўйинсунингиз!» (Нисо: 59).

Исломда жиход юксак мақсадлар ва олий ғоялар учун машруъ қилинган:

– Аллоҳ таоло жиходни бандаларни тоғутларга ва бут-санамларга қуллик қилишдан ягона ва шериксиз, уларни яратган ва ризқ берувчи Аллоҳнинг ўзига бандалик қилишга чиқариш учун машруъ қилди. Аллоҳ таоло айтади:

«То (дунёда) бирон фитна-алдов қолмай, бутун дин фақат Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан жанг қилинглар!» (Анфол: 39).

– Аллоҳ таоло жиходни зулмни кетказиш ва ҳақдорларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини қайтариб бериш учун машруъ қилди. Аллоҳ таоло айтади:

«Хужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилиш) изни берилди. Албатта Аллоҳ уларни ғолиб

қилди. Аллоҳ таоло айтади: «Аллоҳнинг ризқи билан уларга жанг қилишга қўл келтирилади. Аллоҳнинг ризқи билан уларга жанг қилишга қўл келтирилади. Аллоҳнинг ризқи билан уларга жанг қилишга қўл келтирилади.»

«Аллоҳнинг ризқи билан уларга жанг қилишга қўл келтирилади. Аллоҳнинг ризқи билан уларга жанг қилишга қўл келтирилади. Аллоҳнинг ризқи билан уларга жанг қилишга қўл келтирилади.»

«Аллоҳнинг ризқи билан уларга жанг қилишга қўл келтирилади. Аллоҳнинг ризқи билан уларга жанг қилишга қўл келтирилади. Аллоҳнинг ризқи билан уларга жанг қилишга қўл келтирилади.»



Ислом Нури

қилишга қодирдир. Улар ўз диёрларидан фақатгина «Бизнинг Парвардигоримиз (ягона) Аллоҳдир», деганлари учун қувилган зотлардир» (Ҳаж: 39-40).

- Жиход кофирларни мағлуб қилиш, улардан интиқом олиш ва шон-шавкатларини синдириш учун машруъ қилинди. Аллоҳ таоло айтади:

□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□
□□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□
□□□□□□ □□□□ □□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□
□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □

- **«Улар билан жанг қилинглар, (шунда) Аллоҳ уларни сизларнинг қўлингиз билан азоблайди, расво қилади ва сизларни уларнинг устига ғолиб қилади ҳамда мўмин қавм дилларини қондириб, кўнгилларидаги ғам-андуҳни кетказади. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларнинг тавбаларини қабул қилур. Аллоҳ билим ва ҳикмат соҳибидир» (Тавба: 14-15).**

Аввал даъватни етказилади, фақат шундан кейингина жангга навбат келади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам урушга киришдан олдин одамларни – агар уларга Ислом даъвати етмаган бўлса – Исломга даъват қилардилар, бу ҳақда подшоҳларга мактублар йўллардилар. Исломий қўшиннинг қўмондонларини жангга киришдан олдин одамларни Исломга даъват қилишга тавсия қилардилар, ижобат қилсалар уруш қилмасликка, акс ҳолдагина жанг қилишга буюрардилар. Чунки, Исломдаги ғазотдан мурод – куфр ва ширкни йўқ қилиш, одамлар Аллоҳнинг динига киришларидир. Агар мақсад жангсиз амалга ошса, урушга ҳожат қолмайди, валлоҳу аълам.



Ислом Нури

Жиходнинг катта-катта китобларда мавжуд бўлган муфассал ҳукмлари бор.

Агар бир кишининг ота-онаси ёки улардан битталари озод мусулмон бўлса, уларнинг изнисиз ихтиёрий жиходга чиқмайди. Чунки, бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига жиходга боришга рухсат сўраб келган эди, у зот:

«...» - ...»

«Ота-онанг ҳаётмилар?», деб сўрадилар. У: «Ҳа», деди. «Унда сен ўшалар ҳақида жиход қил (яъни, уларнинг розилигини топишга қаттиқ ҳаракат қил)», дедилар (Бухорий (3004), ва Муслим (2549) Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар). Чунки, ота-онага яхшилик қилиш фарзи айн, жиход эса фарзи кифоя, фарзи айн фарзи кифоядан муқаддам қўйилади.

Имом қўшинга лашкарбошилар тайинлайди, шундай қилишида жиход учун манфаат бўлган ҳолларда ўлжадан баъзи кишиларга алоҳида улуш ажратади, қолган қисмини лашкарга тақсимлаб беради.

Урушга кирмаган ва урушга чорламаган ёш болани, аёл кишини, роҳибни, ўта кекса мўйсафидни, оғир беморни, маслаҳат беришга ярамайдиган кўзи ожизни ўлдириш жоиз эмас. Ундай кишилар асир олинса, қул қилинади. Чунки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларни ва ёш болаларни асир олинса, қул қилардилар (Бухорий (2307) Ҳавозин асирлари ҳақида Мисвар ибн Махрама ва



Ислom Нури

Ғаниматларни тақсимлашда имомнинг ноиби унинг ўрнига ўтади.

Ғулул – яъни, ғаниматдан бирон нарсани яширинча олиш ҳаромдир. Аллоҳ таоло айтади:

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا خَرَبْتُمْ عِبَادَ اللَّهِ فَأَخْرَجْتُمُوهُم مِّنْ دِيَارِهِمْ فَأَخْرَجُوا مِمَّا كَانُوا فِيهَا يَخْرَبُونَ ﴾

«Ҳеч бир пайғамбар учун (урушдан тушган ўлжаларга) хиёнат қилиш жоиз эмас. Ким хиёнат қилса, Қиёмат Кунда (Аллоҳнинг ҳузурига) қилган хиёнати билан бирга келур» (Оли Имрон: 161).
Ўлжага хиёнат қилган кишига имом унга ва унга ўхшаган бошқа кишиларга сабоқ бўладиган таъзирни бериши лозим бўлади.

Ғанимат ер-мулк бўлса, имом уни ғанимат олган кишиларга тақсимлаб бериш билан мусулмонларнинг умумий манфаатлари йўлида вақф қилиб ишлатиш ўртасида ихтиёрли бўлади.

Кофирлар мусулмонлардан қўрқиб, ташлаб кетган моллар, меросхўри йўқ кишининг моли, ғаниматнинг бешдан бири – яъни, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг улушлари – мусулмонларнинг манфаатлари йўлида ишлатилади.

Агар кофирлар билан сулҳ тузишда мусулмонлар учун манфаат бўлса, мусулмонларнинг имоми улар билан маълум муддатга сулҳ битими тузиши мумкин. Бундай қилиш, қачонки, жиходни кечиктириш мусулмонларнинг заифликлари туфайли бўлса, жоиз бўлади. Чунки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳудайбия сулҳида кофирлар билан сулҳ битими тузганлар (Бухорий (2698) ва Муслим (1783) Бароъ ибн Озиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар), Мадинада яҳудлар



Ислом Нури

билан сулҳ тузганлар.

Аmmo, агар мусулмонларнинг куч-қудрати етарли бўлиб, жиходга қодир бўлсалар, сулҳ тузиш жоиз бўлмайди.

Агар имом уларнинг сулҳни бузишларидан кўрқса, уруш бошламай туриб, сулҳ битими якунига етганини эълон қилади. Чунки, Аллоҳ таоло айтади:

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا جَاهِدُوكُم مَّن قَاتَلَوكُم مَّا جَاءَكُم بِهِ لِقَاكُم فِي سَبِيلِ اللَّهِ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴾

«Агар (ўрталарингизда аҳд-паймон бўлган) бирон қавм тарафидан хиёнатни сезсангиз, уларга (қилган аҳд-паймонларини) баб-баробар қилиб ташланг (яъни, ўрталарингиздаги аҳд-паймон тугаганини ҳар икки тараф ҳам билсин). Албатта, Аллоҳ хиёнаткор кимсаларни севмас» (Анфол: 58).

Имом аҳли китоб ва мажусийлар билан зиммийлик шартномаси тузиши, яъни, уларнинг жизя тўлаб туришлари ва Ислом ҳукмларига бўйсунушлари шарти билан ўз динларида қолишларига имкон бериши мумкин. Чунки, Аллоҳ таоло айтади:

﴿ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا جَاهِدُوكُم مَّن قَاتَلَوكُم مَّا جَاءَكُم بِهِ لِقَاكُم فِي سَبِيلِ اللَّهِ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴾

«Аллоҳга ва охират кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва Унинг пайғамбари ҳаром деган нарсани ҳаром деб билмайдиган, Ҳақ (яъни ислом) динига эътиқод қилмайдиган аҳли китоблардан



Ислом Нури

иборат бўлган кимсаларга қарши то улар хорланган (мағлуб) ҳолларида ўз қўллари билан (зиммаларидаги) солиқни тўламагунларича, жанг қилингиз!» (Тавба: 29). Жизя – улардан мағлуб бўлганликлари ўлароқ, уларга қарши уруш қилинмаслиги ва мусулмонлар диёрида туришлари бадалига ҳар йили олинадиган солиқдир.

Жизя ёш боладан, аёл кишидан, мажнундан, касалманддан, кўзи ожиздан, ўта кекса кишидан, шунингдек, уни тўлашга қурби етмайдиган фақир кишидан олинмайди.

Модомики, Жизя тўлаб туришаркан, улардан Жизяни қабул қилинади ва улар билан жанг қилиш ҳаром бўлади. Бунинг муқобилида уларга озорни қасд қилган кишилардан уларни ҳимоя қилиш фарз бўлади. Чунки, Аллоҳ таоло: **«... ўз қўллари билан (зиммаларидаги) солиқни тўламагунларича...»**, деди, Жизя тўлашларини уларга қарши урушдан тийилиш ғояси-чегараси қилди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Улардан Жизя беришларини сўра, агар ижобат қилсалар, улардан (Жизяни) қабул қил ва улардан тийил», деганлар (Муслим (1731) Бурайда розияллоҳу анхудан ривоят қилган).

Агар бирон кофир шахснинг мусулмонларга зарари етмайдиган бўлса, ҳар қандай мусулмон киши унга омонлик бериши жоиз. Чунки, Аллоҳ таоло:

□ □□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□ □□□□□ □□□□□□
□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □

«Агар мушриклардан биронтаси сиздан ҳимоя сўраса, уни ҳимоя қилинг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Сўнг уни



ўзи учун тинч бўлган жойга етказиб қўйинг», деди (Тавба: 6).

Имом мушрикларнинг ҳаммасига ёки баъзиларига омонлик бериши жоиз. Чунки, унинг волийлиги умумийдир. Оддий кишилар эса бундай қилишга ҳақли бўлмайдилар, фақат имомнинг ижозати билан қилишлари мумкин. Бир ноҳиянинг амири ўзига яқин бўлган диёр аҳлига омонлик бериши жоиз бўлади.